

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**388 Символи лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Символи лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш, атроф муҳитни симоб билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда ишлаб чиқилган Символи лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, символи лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш:

символи маҳсулотларни зарарсизлантириш (демеркуризациялаш) ва утилизация қилишни (кейинги ўринларда утилизация қилиш ташкилотлари деб аталади) амалга оширишга Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномасига эга бўлган ташкилотлар томонидан;

энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан, шу жумладан энергияни тежайдиган лампаларни сотиш пунктлари орқали;

маиший чиқиндиларни тўплаш пунктлари орқали амалга оширилади.

Тўпланган символи лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурслари утилизация қилиш ташкилотларига топширилади.

3. Белгилансинки, символи лампалардан фойдаланадиган юридик шахслар символи лампаларнинг ишлатилиб бўлган ва яроқсиз ресурсларини фақат утилизация қилиш ташкилотларига топширадилар.

4. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг:

2012 йил 1 январгача бўлган муддатда энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар таркибида символи лампаларни утилизация қилиш ташкилотларини ташкил этиш тўғрисидаги;

аҳоли томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергияни тежайдиган лампалар сотиб олишда символи лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурси (ишлаб чиқарувчи корхонадан қатъи назар) қайтарилган тақдирда уларнинг қийматини 5 фоизга камайтириш тарзида тақдирлаш тизимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида имтиёзлар бериш муносабати билан бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга, шу жумладан симобли лампаларни тўплаш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш харажатларини қоплаш учун йўналтириш тавсия этилсин.

6. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда, зарарсизлантириладиган ва утилизация қилинадиган симобли лампаларнинг ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда, утилизация қилиш бўйича янги ташкилотлар ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг таклифларига биноан, утилизация қилиш ташкилотлари ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер участкалари ажратилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли рухсатнома олмасдан симобли лампаларни мустақил равишда утилизация қилишга ёки зарарсизлантиришга йўл қўймаслик;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда — симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини аҳоли томонидан топширилиши юзасидан назоратни кучайтирсинлар.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилишнинг зарурлиги тўғрисидаги маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 21 сентябрь,
266-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 21 сентябрдаги 266-сон қарорига
ИЛОВА

**Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган
ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация
қилишни ташкил этиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш бўйича асосий шартлар ва талабларни ҳамда уларни утилизация қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом нормалари симобли лампалардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурслари — ишлатилган чикқан ҳамда утилизация қилиш лозим бўлган симоб тўлдирилган ёритиш қурилмалари ва электр лампалари сифатидаги бутун симобли лампалар;

симобли лампалардан фойдаланувчилар — симоб тўлдирилган ёритиш қурилмалари ва электр лампаларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар;

утилизация қилиш ташкилотлари — утилизация қилиш фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси рухсатномасига ҳамда экологик ва санитария-гигиена экспертизасидан ўтган зарур технологик асбоб-ускуналарга эга бўлган, симобли чикқиндиларни зарарсизлантиришни (утилизация қилишни) амалга оширувчи юридик шахслар;

тўплаш — симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини кейинчалик утилизация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслардан (аҳолидан) қабул қилиб олиш;

утилизация қилиш — ишлатилиб бўлган ёки яроқсиз симобли лампаларни зарарсизлантириш.

**II. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган
ресурсларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан
тўплаш тартиби**

4. Симобли лампалардан фойдаланувчилар симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини ушбу Низомда назарда тутилган тартибда утилизация қилишга топшириши шарт.

5. Симобли лампалардан ёритиш учун фойдаланувчилар (аҳолидан таш-

қари) симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини бошқа чиқиндилардан алоҳида, махсус ажратилган жойда тўплайдилар.

Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш лампаларни шикастламайдиган ва улардаги симобли моддаларнинг ҳавога чиқишига, сув таъминоти манбаларига, тупроққа ва озик-овқат маҳсулотларига тушишига йўл қўймайдиган махсус идишда амалга оширилади. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини янги симобли лампалардан бўшаган, шикастланмаган идишда сақлашга йўл қўйилади.

6. Агар симобли лампалардан фойдаланувчи (аҳолидан ташқари) ўз худудига эга бўлмаса ва майдонларни ижара шартномаси бўйича (саноат ишлаб чиқариш объектларидан ташқари) фақат идора, савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари (бизнес-марказлар, савдо корхоналари, бозорлар ва бошқа объектлар) учун эгаллаб турган бўлса, у ердаги бинолардан фойдаланиш хизматлари уларнинг эгаси ёки улар томонидан ваколат берилган ташкилотлар томонидан амалга оширилса, симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ижарачидан қўшимча тўлов ундирмасдан ижарага берувчилар томонидан амалга оширилади.

7. Симобли лампалардан фойдаланувчилар (аҳолидан ташқари) томонидан симобли лампаларнинг айланиши ҳисоби қайд этиладиган дафтар мажбурий тартибда юритилади. Дафтарда муайян давр мобайнида сотиб олинган лампаларнинг сони, фойдаланиладиган жойи ва уларни қабул қилиб олган масъул шахс (цех, участка бошлиғи ёки бошқалар) мажбурий тартибда кўрсатилади. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилишга қайтариш ҳам дафтарда тегишли равишда қайд қилган ҳолда амалга оширилади.

Иккитадан кўп ишлаб чиқариш участкаларига ёки фаолиятни амалга ошириш жойларига эга бўлган симобли лампалардан фойдаланувчилар (аҳолидан ташқари) симобли лампалардан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича масъул шахсни тайинлайдилар. Масъул шахс ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланади.

Симобли лампаларнинг айланиши қайд этиладиган дафтар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлар вақтида кўрсатиладиган ҳужжат ҳисобланади.

8. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш:

утилизация қилиш ташкилотлари томонидан;

энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан, шу жумладан энергияни тежайдиган лампаларни сотиш пунктлари орқали;

лампаларни шикастламайдиган ва улардаги симобли моддаларнинг ҳавога чиқишига, сув таъминоти манбаларига, тупроққа ва озик-овқат маҳсулотларига тушишига йўл қўймайдиган махсус идишда, маиший чиқиндиларни тўплаш пунктлари орқали амалга оширилади.

9. Симобли лампаларни аҳолига турғун савдо шохобчалари орқали, савдо комплексларида, шунингдек фирма дўконларида ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ваколатхоналарида сотадиган савдо корхоналари симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини, кейинчалик уларни энергияни тежайдиган лампаларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналарига топширган ҳолда қабул қилиб олишни мажбурий тартибда амалга оширадilar.

Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини (ишлаб чиқарувчи корхонадан қатъи назар) қайтарган ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергияни тежайдиган янги лампани сотиб олишда сотиб олинётган лампа қийматини 5 фоизга камайтириш тарзида тақдирлаш амалга оширилади.

Тўпланган симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурслари утилизация қилиш ташкилотларига шартнома асосида берилади.

10. Симобли лампаларнинг ярқисиз ёки ишлатилиб бўлган ресурсларини топширганлик учун тақдирлаш пулини қоплаш тартиби энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо корхоналари ўртасидаги шартномаларда кўрсатилади.

11. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини топширганлик учун тақдирлаш суммасини қоплаш учун симобли лампаларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналарига зарур бўлган маблағлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннаригига киритилиши мумкин.

12. Симобли лампалардан фойдаланувчиларнинг симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини мустақил равишда утилизация қилиши ёки зарарсизлантириши тақиқланади.

III. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш тартиби

13. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш уларни белгиланган санитария-гигиена, экология талабларининг ва бошқа талабларнинг бажарилишини таъминлайдиган методлар билан зарарсизлантирадиган ва қайта ишлайдиган утилизация қилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

14. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар «Давсанэпидназорат» марказлари билан келишган ҳолда жойлаштирилади.

15. Энергияни тежайдиган лампаларни сотиш пунктлари орқали қабул қилиб олинган симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо корхоналари ўртасидаги шартномалар асосида бепул амалга оширилади.

16. Ташкилотларда тўпланган мамлакатимизда ишлаб чиқарилган симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш утилизация шартномалари асосида бепул амалга оширилади.

Импорт қилинган симобли лампаларни утилизация қилиш симобли лампалардан фойдаланувчилар ҳисобига амалга оширилади.

17. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ташкилотларигача транспортда етказиб бериш симобли лампалардан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида йиғилган симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ташкилотларигача транспортда етказиб бериш «Махсустрас» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан амалга оширилади.

18. Такрорий фойдаланилиши мумкин бўлган, утилизация қилишда олинмаган барча иккиламчи материаллар утилизация қилиш ташкилотлари тасарруфида қолади ва улардан тижорат мақсадларида фойдаланилиши мумкин.

19. Утилизация қилиш ташкилотларини молиялаштириш утилизация қилишда олинмаган иккиламчи ресурслар ва материалларни сотишдан, симобли лампалардан фойдаланувчиларга ва бошқа ташкилотларга утилизация қилиш хизматлари кўрсатиш бўйича фаолиятдан тушадиган маблағлар, грантлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. Назорат ва жавобгарлик

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Давсанэпидназорат» республика маркази ва уларнинг маҳаллий ҳудудий бўлинмалари симобли лампаларни тўплаш ҳамда утилизация қилиш бўйича фаолиятнинг ташкил этилиши ва юритилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширадilar.

21. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.